

**БОШ КЕЛИШУВ ШАРТНОМАСИ № \_\_\_\_\_**  
(Кредит ажратиш ва банк кафолати тақдим қилиш бўйича)

Мазкур шартномада қуйидаги тушунча ва тавсифлардан фойдаланилади:

1. **Бош келишув шартнома** – қарз олувчи – принципалга бир вақтни ўзида айланма маблағларини тўлдириш ва пахта толаси сотиб олиш ёки ҳар иккисидан бирини тўла қийматда 36 ой давомида ҳар 12 ой муддатга алоҳида шартномалар орқали олиш асосини белгилайди.
2. **Кредит** – алоҳида тузиладиган шартномага мувофиқ кредитор томонидан қарз олувчига тақдим этиладиган пул маблағлари.
3. **Кредитор/кафил** – шартномага мувофиқ кредит ёки кафолат тақдим қилувчи банк.
4. **Қарз олувчи** – шартнома тузган тадбиркорлик субъекти.
5. **Банк кафолати** – кафил бошқа шахс (принципал)нинг буюртмасига кўра кафил ўз зиммасига олаётган мажбурият шартларига мувофиқ принципалнинг кредитори (бенефициар) пул суммасини тўлаш ҳақида ёзма талабнома тақдим этса, пулни унга тўлаш ҳақида принципалга берадиган ёзма мажбурият (кейинги ўринларда кафолат деб юритилади).
6. **Тараф ёки тарафлар** – шартномага мувофиқ банк (кредитор/кафил) ва қарз олувчи/принципал.
7. **Махфий ахборот** - шартномани тузиш ва бажариш вақтида тарафлар бир-биридан олган барча маълумотлар.
8. **Принципал** - кафилга ўзининг учинчи шахс (бенефициар) олдидаги мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида кафолат бериш тўғрисида ариза билан мурожаат қилган шахс.
9. **Алоҳида шартнома** – қарз олувчи/принципалга кредит/банк кафолати тақдим этилишини назарда тутувчи битим.

№	Предмет/бўлим	Шартнома қондаси/зарур маълумот
<b>1.</b>		<b>Шартнома реквизитлари</b>
1.1.	Шартнома имзоланган жой ва сана	Шартнома имзоланган жой: _____ сана _____
<b>2.</b>		<b>Муқаддима</b>
2.1.	Тарафлар ҳақида маълумотлар <b>Кредитор/Кафил</b>	Банкнинг тўлиқ номи _____ Лицензия (рақами ва санаси) _____ кунги № _____ Таъсис ҳужжатларига мувофиқ жойлашган жойи _____ Банк номидан иш кўриш ваколатига эга бўлган шахс (ФИШ, лавозими) _____ Ваколат берувчи ҳужжат (низом, ишончнома, сана ва рақами) _____ Алоқа учун телефон: _____
2.2.	Тарафлар ҳақида маълумотлар <b>Қарз олувчи/Принципал</b>	Юридик шахс ёки хусусий тадбиркор номи _____ Давлат рўйхатидан ўтиш санаси “ ____ ” _____ 20 ____ йил СТИР _____ х/р _____ Қарз олувчи/Принципал номидан иш кўриш ваколатига эга бўлган шахс лавозими _____ ФИШ _____ Ваколат берувчи ҳужжат (устав, низом, ишончнома, сана ва _____

		рақам). _____
<b>3.</b>	<b>Шартнома предмети</b>	
3.1.	Шартнома предмети	Мазкур шартномага мувофиқ кредитор/кафил қарз олувчи/принципалга 36 ой муддатга кредит ва/ёки банк кафолати тақдим қилиш учун линия очиш мажбуриятини, қарз олувчи эса линия миқдоридан келиб чиқиб, банк кредит сиёсати талаблари доирасида таъминот билан таъминлаш, линия бўйича олинishi назарда тутилган кредит ва/ёки банк кафолатларини алоҳида шартномада назарда тутилган муддатларда қайтариш, улар бўйича ҳисобланган фоизлар, банк хизмат ҳақини тўлаш, шунингдек, алоҳида шартномага асосан юзага келадиган бошқа тўловлар тўлаш, мажбуриятларни бажаради ва ҳуқуқлардан фойдаланади.
3.2.	Шартнома предмети	Маркур шартномага асосан қарз олувчи-принципал шартноманинг 4.1-бандида кўрсатилган миқдоргача, айланма маблағларини тўлдириши учун кредит ва пахта толаси сотиб олиши учун банк кафолати олиши мумкин ёки бир вақтни ўзида жами қиймати кўрсатилган миқдордан ортмаган миқдорда кредит ва/ёки банк кафолати олиши мумкин.
3.3.	Шартнома предмети	Ажратиладиган кредит ва банк кафолатлари мазкур шартномага асосан қийматидан келиб чиқиб, линия доирасида ҳар бирини муддати 12 ойдан ошмаган алоҳида кредит шартнома ва банк кафолати шартномаси тузиш орқали тақдим қилинади.
<b>4.</b>	<b>Шартнома баҳоси</b>	
4.1	Шартнома баҳоси	Шартномага асосан линия миқдори _____ маблағлари ҳисобидан _____ АҚШ доллари ёки сўмни ташкил қилади.
4.2	Шартнома баҳоси	Ҳар бир бериладиган кредит ва/ёки банк кафолати миқдори ва баҳоси алоҳида шартномага асосан белгиланади.
<b>5.</b>	<b>Тасдиқлаш ва кафолатлар бериш</b>	
5.1.	Тасдиқлаш ва кафолатлар бериш Қарз олувчи/Принципал	Қарз олувчи/принципал юридик шахс – тадбиркорлик субъекти бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ташкил этилган/рўйхатдан ўтказилган, ўз фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳуқуқий лаёқатга эга.
5.2.	Тасдиқлаш ва кафолатлар бериш Қарз олувчи/Принципал	Қарз олувчи/принципал банк/кафилга ариза, банк ҳисобварағига пул тушумлари (пул оқими) прогнози кўрсатилган бизнес-режа, давлат солиқ инспекциясига охириги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси (1-сон шакл), молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-сон шакл), дебеторлик-кредиторлик қарздорликлари тўғрисида маълумотнома, кредит ва кафолат таъминоти турларига оид ва зарур бошқа ҳужжатларни тақдим этади ҳамда тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилиги ва ҳужжатларнинг нусхалари аслига тўғрилигини кафолатлайди.
5.3.	Тасдиқлаш ва кафолатлар бериш	Шартнома тузаётган вақтда, қарз олувчи/принципал хато фикрлар, ёлғон, зўравонлик, таҳдидлар, ёмон ниятли келишув

	Қарз олувчи/Принципал	ёки оғир ҳолатларнинг тўғри келиб қолиши таъсирида эмас.
5.4.	Тасдиқлаш ва кафолатлар бериш Қарз олувчи/Принципал	Тасдиқлаш ва кафолатлар бериш бўлимига, қарз олувчи/принципал тўлиқ амал қилиши лозим. Ушбу бўлимга амал қилинмаган ёки лозим даражада амал қилинмаган тақдирда банк/кафил қарз олувчи/принципалга кредит бериш/кафолат тақдим этишдан бош тортишга ҳақли.
<b>6.</b>	<b>Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.</b>	
6.1.	Кредитор/Кафилнинг мажбуриятлари	Маркур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш учун, қарз олувчи-принципал кредит сиёсати талаблари доирасида таъминот тақдим қилиб, ҳужжатларини белгиланган тартибда тўлиқ расмийлаштириб бергандан сўнг, линия доирасида кредит ва/ёки банк кафолати тақдим қилиш юзасидан шартномаларини тасдиқлаб, улар бўйича қарз олувчи/принципалга кредит ва/ёки банк кафолати тақдим қилади.
6.2.	Кредитор/Кафилнинг мажбуриятлари	Кредитор/кафил қарз олувчи/принципал томонидан шартномага асосан кредит/кафолат бўйича қарздорлик суммасини тўлаш мажбурияти тўлиқ бажарилган санадан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмаган ҳолда мазкур кредит/кафолат бўйича гаровда турган мулкни таққидан чиқариш ва гаров сифатида бўлган мол-мулкка нисбатан банкнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги ёзувни гаров реестридан чиқариш чораларини кўради.
6.3.	Кредитор/Кафилнинг мажбуриятлари	Линия доирасида алоҳида шартномалар бўйича мажбуриятларни ҳисобини юритади.
6.4.	Кредитор/Кафилнинг мажбуриятлари	Қарз олувчи/принципални ёзма сўрови билан, унга зарур маълумотларни амалдаги қонун ҳужжатларига риоя қилган ҳолда тақдим қилади.
6.5.	Қарз олувчи/принципалнинг мажбуриятлари	Қарз олувчи/принципал мазкур шартнома бўйича юзага келадиган мажбуриятларини қоплаш учун қуйидагича таъминотларни тақдим қилади: 1. _____ 2. _____ 3. _____
6.6.	Қарз олувчи/принципалнинг мажбуриятлари	Кредит ва/ёки кафолатнинг мақсадли ишлатилишини таъминлайди.
6.7.	Қарз олувчи/принципалнинг мажбуриятлари	Мажбуриятлари бўйича мониторинги ва қарз олувчининг тўловга лаёқатлилиқ таҳлилини амалга ошириши учун ҳар чоракда ўз молиявий ҳисоботлари, жумладан бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли изоҳлари билан ва дебиторлик-кредиторлик қарзлари бўйича ҳисоб-китоблар ҳолати талқинини ҳаққоний ҳужжатлар асосида кредитор/кафилга тақдим қилиб боради.
6.8.	Қарз олувчи/принципал	Банк ходимларининг қарз олувчи/принципал манзилига чиқиши орқали бухгалтерия ҳисобининг юритилиши,

	инг мажбуриятлари	кредитнинг мақсадли ишлатилишини ҳамда мулк мониторингини амалга оширишига шароит яратиб беради.
6.9.	Қарз олувчи/принципалнинг мажбуриятлари	Кредит ва/ёки банк кафолати суммасининг бир юз йигирма беш фоиздан кам бўлмаган қийматдаги ликвидли бўлган таъминот турларини тақдим қилади. Кредитор томонидан мониторинг, ундирув давомида ёки бошқа сабабларга кўра қарз олувчи томонидан тақдим қилинган таъминот кредит мажбуриятларини қоплашга етарли эмас, деб топилган тақдирда, етарлича миқдорда қўшимча таъминот тақдим қилади ҳамда уни тегишли тартибда расмийлаштирилишини таъминлайди.
6.10.	Қарз олувчи/принципалнинг мажбуриятлари	Ўзининг мулкчилик ёки эгалик (ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши, таъсисчилар, бошқарув органларидаги таркибий ўзгартиришлар ва бошқалар) шакли ўзгариши, қайта ташкил этилиши ёки фаолиятининг тўхтатилиши ҳақида кредитор/кафилни 10 кун аввал ёзма равишда хабардор қилади.
6.11.	Қарз олувчи-принципалнинг мажбуриятлари	Ўзининг почта ва электрон манзили, телефонлари ва бошқа реквизитлари ўзгарадиган тақдирда бу ҳақда кредитор/кафилни камида 1 (бир) кун ичида ёзма равишда хабардор қилиш.
6.12.	Қарз олувчи/принципалнинг мажбуриятлари	Мазкур шартнома ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларини бажаради.
6.13.	Кредитор/Кафилнинг ҳуқуқлари	Маркур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш учун қарз олувчи/принципал томонидан кредит сиёсати талаблари доирасида таъминот тақдим қилиниб, ҳужжатлари белгиланган тартибда расмийлаштирилиб, банкка тақдим қилинмагунга қадар, линия доирасида кредит ажратиш ва банк кафолати тақдим қилиш учун зарур бўлган алоҳида шартномаларни тасдиқламайди ва улар бўйича қарз олувчи-принципалга кредит ва/ёки банк кафолати тақдим қилмайди.
6.14.	Кредитор/Кафилнинг ҳуқуқлари	Қарз олувчи/принципал манзилида унинг молиявий аҳволи, ҳисоб юритиши ҳисоботи, кредит ва кафолатни мақсадли фойдаланиш масалалари юзасидан мониторинглар ўтказади, заруриятга кўра бу ишларга ташқи мутахассис (эксперт)ларни жалб қилиши мумкин.
6.15.	Кредитор/Кафилнинг ҳуқуқлари	Агар мажбуриятлар гаров билан таъминланадиган бўлса, линия муддати мобайнида қарз олувчи-принципал мулк гарови бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларини қандай бажараётганини назорат қилиб туради.
6.16.	Кредитор/Кафилнинг ҳуқуқлари	Мазкур шартнома ва амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда мажбуриятларни муддатидан олдин ундириш чораларини кўришга ҳақли.
6.17.	Кредитор/Кафилнинг ҳуқуқлари	Агар кредит учинчи шахснинг кафиллиги ёки кафолати асосида берилган бўлса, қарз олувчи-принципалнинг муддати келган тўловларни тўлашга етарли маблағи бўлмаган тақдирда, кафиллик ёки кафолат берган шахснинг

		ҳисобварақларидаги пул маблағлари ҳисобидан ёки бошқа мол-мулки ҳисобидан қарз суммасини ундиришга ҳақли.
6.18.	Кредитор/Кафилнинг ҳуқуқлари	Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.
6.19.	Кредитор/Кафилнинг ҳуқуқлари	<p>Қуйидаги ҳолатлардан бири юз берган тақдирда, линия доирасида кредит ва/ёки банк кафолати тақдим қилишни тўхтади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>a) Қарз олувчи-принципал мазкур шартнома ҳамда алоҳида шартномалар бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни тўлиқ ўз вақтида бажармаган ёки лозим даражада бажарилмаганда;</li> <li>b) Қарз олувчи-принципалнинг фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатувчи муддати ўтган дебиторлик қарздорликлари мавжуд бўлганда;</li> <li>c) Муддати ўтказиб юборилган кредиторлик қарзларининг мавжуд бўлганда;</li> <li>d) Таъминотининг бозор баҳоси мажбуриятларни камида 125 фоиз коплаши учун етарли бўлмаганда;</li> <li>e) Кредитнинг мақсадсиз ишлатилганлиги (бунда банк томонидан ажратилган кредит маблағининг мақсадсиз ишлатилган қисми муддатидан олдин қайтарилади);</li> <li>f) Бизнес режа кўрсаткичларининг бажарилмаслиги, белгиланган пул тушумларининг бизнес режа кўрсаткичларига мувофиқ эмаслиги;</li> <li>g) Қарз олувчи ёки кафилнинг молиявий ҳолати ёмонлашганлиги;</li> <li>h) Банк розилигисиз учинчи шахсларга кафиллик ёки кафолат берилиши;</li> <li>i) Банк розилигисиз бошқа банк ёки хўжалик юритувчи субъектлардан қарз ва бошқа мажбуриятларнинг олиниши;</li> <li>j) Таъминот ҳолатининг ёмонлашиши, унинг ўғриланиши, талон-торож қилиниши, ликвидлилигининг пасайиши, бозор конъюктураси нархларининг камида 25 фоизга пасайиб кетиши ёки бошқача ҳолатлар натижасида кредит таъминланмай қолиш хавфининг вужудга келиши, башарти таъминотни ўзгартириш ёки қўшимча таъминот тақдим этиш бўйича банк талабининг бажарилмаслиги;</li> <li>k) Кредит мониторингидан бўйин товлашлик ёки банк ходимлари (жалб қилинган мутахассислар)ни мониторинг ўтказишига ҳар қандай усуллар билан тўскинлик қилиши;</li> <li>l) Банкка ушбу шартномада назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этмаслиги ёки ҳаққоний бўлмаган ҳужжатлар ва маълумотларнинг тақдим этилиши;</li> <li>m) Кредит ва унга ҳисобланган фоизларни шартномада белгиланган муддатдан 30 кун ва ундан ортиқ муддатга кечиктирилиши;</li> <li>n) Кредит ва унга ҳисобланган фоизларни мунтазам равишда кечиктириб тўланиши, яъни ўн икки ой давомида мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган қайтариш</li> </ul>

		<p>жадвалида қайд этилган тўлов муддатини уч ва ундан ортиқ маротаба бузилиши;</p> <p>о) Кредитланаётган фаолиятни амалга оширилиши жараёнида экология талабларининг бузилганлиги;</p> <p>р) Кредит маблағи хисобига сотиб олинган аосий восита, агар кредит шартномасида кредит таъминоти сифатида тақдим этиш назарда тутилган бўлса, қарз олувчи номига расмийлаштирилгандан сўнг 10 банк иш куни давомида ажратилган кредит маблағи таъминоти сифатида гаров шартномаси асосида гаровга қўйилмаслиги.</p> <p>қ) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ёки суд томонидан банк лицензияси чақириб олинганда, айрим банк операциялари тўхтатилганда, лицензия амал қилиши вақтинча тўхтатилиши оқибатида вазиятнинг жиддий ўзгариши натижасида.</p>
6.20.	Қарз олувчи/принципалнинг ҳуқуқлари	Шартномада белгиланган шартлар асосида кредит ва/ёки банк кафолати тақдим қилишни талаб қилиш.
6.21.	Қарз олувчи/принципалнинг ҳуқуқлари	Қарз олувчи/принципал гаров таъминоти юзасидан баҳоловчи ва суғурта компаниясини ўз ихтиёрига асосан танлашга ҳақли.
6.22.	Қарз олувчи/принципалнинг ҳуқуқлари	Кредит ва/ёки кафолатга эҳтиёж пайдо бўлганда очилган линия лимитига мос миқдорда фойдаланиш.
6.23.	Қарз олувчи/принципалнинг ҳуқуқлари	Олинган кредит ва кафолатни муддатидан илгари алоҳида шартнома шартларига мос равишда қайтариш.
6.24.	Қарз олувчи/принципалнинг ҳуқуқлари	Линия доирасида мажбуриятлари тўғрисида ёки бошқа олиши мумкин бўлган маълумотларни олиш.
6.25.	Қарз олувчи/принципалнинг ҳуқуқлари	Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.
6.26.	Қарз олувчи/принципалнинг ҳуқуқлари	Шартнома тузилгандан сўнг қарз олувчи томонидан мазкур шартномада кўрсатилган мақсадлар учун кредит маблағлари ўтказилмаган бўлса, қарз олувчининг ёзма мурожаати билан бепул асосда шартнома бекор қилиниши мумкин.
6.27.	Қарз олувчи/принципалнинг ҳуқуқлари	Қарз олувчи кредиторни олдиндан хабардор қилган ҳолда кредитни тўлалигича ёки бир қисмини тўлашга ҳақли. Бунда кредит шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш билан боғлиқ қўшимча тўловлар ундирилмайди.
6.28.	Кредитор/Кафилнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари	Кредит шартномаси буйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганда, кредитор/кафил қарз олувчи/принципал зиммасидаги қарз юки янада ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келган санадан бошлаб 7 (етти) календар куни давомида қарз олувчи/принципал билан шартномада келишилган ҳар қандай алоқа боғлаш



		узулларида, шу жумладан электрон алока воситаларида ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усуллардан фойдаланиб, қарз олувчи/принципалга муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганлиги хақида (тақдим этилган сўндириш жадвалидан келиб чиққан ҳолда) хабар беради.
6.29.	Кредитор/Кафилнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари	Қарз олувчи/принципал кредит шартномаси бўйича қарзнинг асосий суммасини қайтариш ва (ёки) фоизларни тўлаш муддатларини бузганда, кредитор/кафил кредит шартномасида назарда тутилган усулда низони судгача ҳал қилиш юзасидан ўз талабномасини истеъмолчига етказишга ҳақли.
<b>7.</b>	<b>Бошқа шартлар</b>	
7.1.	Маълумотларни тақдим этиш	Қарз олувчи/принципалнинг тегишли сўрови банкда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб ўн иш куни ичида қарз олувчи/принципалнинг томонидан берилган ариза ва унга кредит берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳамда қарз олувчи/принципалнинг талаби билан бир иш куни ичида кредит шартномаси бўйича қарз олувчи томонидан мажбуриятлари тўлиқ бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилади.
7.2.	Коррупцияга қарши курашиш	Томонлар, уларнинг аффилиланган шахслари, ходимлари ёки бошқа иштирокчилари ушбу шартнома шартларини бажаришда иккинчи томоннинг қарор қабул қилишига таъсир ўтказиш мақсадида бевосита ёки билвосита пул маблағлари, қимматликлар ёки хизматлар таклиф қилиши, бериши, тақдим этиши тақиқланади.
7.3.	Коррупцияга қарши курашиш	Томонлар, уларнинг аффилиланган шахслари, ходимлари ёки бошқа иштирокчилари ушбу шартнома шартларини бажаришда қарор қабул қилишига таъсир ўтказиш мақсадида шартноманинг бошқа иштирокчилари томонидан бевосита ёки билвосита пул маблағлари, қимматликлар ёки хизматлар тақдим этиш бўйича таклифини рад қилиши лозим.
7.4.	Коррупцияга қарши курашиш	Агар шартнома иштирокчиларида ушбу шартнома шартларини бажариш билан боғлиқ коррупцион ҳаракат содир этилганилиги тўғрисида маълумот, шубҳа, шубҳага асос бўлувчи далилга эга бўлса, бу тўғрисида иккинчи томонга ёзма шаклда хабар бериш мажбуриятини олади.
7.5.	Коррупцияга қарши курашиш	Хабарни олган томон ҳақиқатда коррупцион ҳаракат содир этилмаганлигини ёки содир этилмаслиги тўғрисида тасдиққа эга бўлгунча ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга.
7.6.	Коррупцияга қарши курашиш	Пора бериш эвазига иккинчи томон вакилини, аффилиланган шахсини, ходимини ёки шартноманинг бошқа иштирокчиларини шартнома шартларини бажаришда ўзига оғдириб олган томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплаб бериш мажбуриятини олади.
7.7.	Кредит таъминоти	Гаров предмети сифатида тақдим этилган бирдан-бир турар

	сифатида турар жой тақдим этилиши	жой фақат суд тартибида ундирилади ва у оммавий савдолар орқали реализация қилинади (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).
7.8.	Шартнома нусхалари	Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, шартноманинг бир нусхаси банкда, иккинчи нусхаси қарз олувчи/принципалда сақланади. Қарз олувчи/принципал ёки унинг ваколатли вакилига кредит шартномаси имзоланган кунда шартноманинг битта асл нусхасини тақдим этилади.
7.9.	Шартномани жиддий бузиш ва шартномани муддатидан олдин бекор қилиш асослари	<p>Қарз олувчи томонидан қуйидаги ҳолатлардан ҳеч бўлмаса биттасига йўл қўйилган тақдирда шартномани жиддий бузиш деб ҳисобланади ва бунда банк шартномани муддатидан олдин бекор қилиши ҳамда кредит ва унга ҳисобланган фоизларни муддатидан олдин қайтариб олиши мумкин:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>a) Кредитнинг мақсадсиз ишлатилганлиги (бунда банк томонидан ажратилган кредит маблағининг мақсадсиз ишлатилган қисми муддатидан олдин қайтарилади);</li> <li>b) Бизнес режа кўрсаткичларининг бажарилмаслиги, белгиланган пул тушумларининг бизнес режа кўрсаткичларига мувофиқ эмаслиги;</li> <li>c) Қарз олувчи ёки кафилнинг молиявий ҳолати ёмонлашганлиги;</li> <li>d) Банк розилигисиз учинчи шахсларга кафиллик ёки кафолат берилиши;</li> <li>e) Банк розилигисиз бошқа банк ёки хўжалик юритувчи субъектлардан қарз ва бошқа мажбуриятларнинг олиниши;</li> <li>f) Таъминот ҳолатининг ёмонлашиши, унинг ўғриланиши, талон-торож қилиниши, ликвидлилигининг пасайиши, бозор конъюктураси нархларининг камида 25 фоизга пасайиб кетиши ёки бошқача ҳолатлар натижасида кредит таъминланмай қолиш хавфининг вужудга келиши, башарти таъминотни ўзгартириш ёки қўшимча таъминот тақдим этиш бўйича банк талабининг бажарилмаслиги;</li> <li>g) Кредит мониторингидан бўйин товлашлик ёки банк ходимлари (жалб қилинган мутахассислар)ни мониторинг ўтказишига ҳар қандай усуллар билан тўсқинлик қилиши;</li> <li>h) Банкка ушбу шартномада назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этмаслиги ёки ҳаққоний бўлмаган ҳужжатлар ва маълумотларнинг тақдим этилиши;</li> <li>i) Кредит ва унга ҳисобланган фоизларни шартномада белгиланган муддатдан 30 кун ва ундан ортиқ муддатга кечиктирилиши;</li> <li>j) Кредит ва унга ҳисобланган фоизларни мунтазам равишда кечиктириб тўланиши, яъни ўн икки ой давомида мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган қайтариш жадвалида қайд этилган тўлов муддатини уч ва ундан ортиқ мартаба бузилиши;</li> <li>k) Кредитланаётган фаолиятни амалга оширилиши</li> </ul>



		<p>жараёнида экология талабларининг бузилганлиги;</p> <p>1) Кредит маблағи ҳисобига сотиб олинган аосий восита, агар кредит шартномасида кредит таъминоти сифатида тақдим этиш назарда тутилган бўлса, қарз олувчи номига расмийлаштирилгандан сўнг 10 банк иш куни давомида ажратилган кредит маблағи таъминоти сифатида гаров шартномаси асосида гаровга қўйилмаслиги.</p>
7.10.	Таваккалчилик	<p>Қарз олувчининг хорижий валютада кредит олишга бўлган танлови ва бундай танловга кўра хорижий валюта курсининг ўзгариши натижасида хорижий валютада олинган кредит бўйича миллий валютадаги қарз юқининг ошиши билан боғлиқ равишда келиб чиқадиган оқибатлар, ушбу қарз олувчининг таваккалчилиги ҳисобланади.</p>
7.11.	Махфийлик	<p>Шартномани тузиш ва бажариш вақтида тарафлар бири-биридан олган барча маълумотлар махфий ахборотлар деб тан олинади.</p> <p>Шартномани тузиш ва шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш чоғида бошқа тарафнинг тижорат сири ҳисобланган махфий ахборотлар ва маълумотларни ахборот эгасининг ёзма розилигисиз ошкор қилмаслик мажбуриятини олади.</p> <p>Мазкур қоида шартноманинг амал қилиш муддатига ҳамда шартнома муддати тугаган вақтдан бошлаб 3 (уч) йил давомида амал қилади.</p> <p>Ушбу талабларни бузган тараф бунинг оқибатида иккинчи тарафга етказилган барча зарарни тўлиқ ҳажмда қоплайди.</p> <p>Кафил мазкур шартномага асосан ўз ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиш, талаб қилиш мақсадида, принципал кафилга ўзи тўғрисидаги ҳар қандай маълумотларни учинчи шахсларга ошкор этиш (топшириш) учун сўзсиз розилигини мазкур шартномага асосан билдирган ҳисобланади.</p> <p>Принципал кафилга шартномада кўрсатилган ёки шартнома тузилиши ва бажарилишида кафилга тақдим этган ўзининг барча маълумотлари билан ишлаш ва топширишга мазкур шартномага асосан розилигини тасдиқлайди. Шу жумладан, шартнома бўйича ҳуқуқий ворислик тартибида кафилнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бошқа шахсга ўтганда, уларни учинчи шахсга топширишга ҳам розилик беради.</p>
7.12.	Форс-Мажор	<p>Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари - бу томонларнинг иродаси, хохиши ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар), ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, камал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар), халқаро, банклараро ва банкнинг электрон тўлов ҳамда таъминот тизимидаги носозлик, банкнинг дастурий таъминот тизимида қилинган таҳдид (учинчи шахслар томонидан қилинган хужумлар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул</p>

		<p>қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулудда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлардир.</p> <p>форс-мажор ҳолатлари юзага келган вақтда тарафлар ушбу ҳолатлар бартараф этилгунига қадар шартнома бўйича ўзаро мажбуриятларини бажаришдан озод бўладилар.</p> <p>Юзага келган форс-мажор ҳолатлари ҳақида ҳамда ушбу ҳолатлар яқунланганлиги ҳақида тараф ушбу ҳолатлар юзага келган ёки бартараф этилган вақтдан бошлаб, 3 банк куни ичида бу ҳақда иккинчи тарафни ёзма равишда хабардор қилиши лозим.</p> <p>Форс-мажор ҳолатлари юзага келганлиги ёки бартараф этилганлиги ҳақидаги хабарномалар тарафларда мавжуд бўлган барча алоқа воситалари орқали юборилиши мумкин (смс ва mms хабарлари бундан мустасно).</p> <p>Форс-мажор ҳолатлари 30 кун мобайнида бартараф этилмаган тақдирда тарафлар ушбу шартномани муддатидан олдин бекор қилишга ҳақли бўладилар.</p> <p>Юзага келган форс-мажор ҳолатлари бартараф бўлгандан сўнг, мазкур шартнома шартлари тўлиқ ўз кучига эга бўлади.</p>
7.13.	Низоларни ҳал этиш тартиби	<p>Тарафлар мазкур шартномани бажариш вақтида юзага келган келишмовчилик ёки низоларни музокара йўли билан ҳал этадилар.</p> <p>Ўзаро келишув имконияти бўлмаганда, ҳуқуқи бузилган тараф томонидан юборилган талабнома ёки огоҳлантириш хатига иккинчи тараф мазкур талабнома ёки огоҳлантириш хатида кўрсатилган муддат ичида жавоб бериши лозим.</p> <p>Талабнома ёки огоҳлантириш хати тарафга шахсан топшириш, электрон почта манзилига юбориш ёки почта алоқа хизмати орқали буюртма хат билан юбориш йўли билан амалга оширилади.</p> <p>Тинч йўл билан ҳал этилмаган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда суд орқали ҳал этилади.</p>
7.14.	Жарима ва пеняларнинг энг юқори миқдори	Томонлар мажбуриятларни бажармаганлиги учун ундириладиган жами пеня миқори бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган мажбуриятнинг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.
<b>8.</b>	<b>Шартноманинг амал қилиш муддати</b>	
8.1.	Шартноманинг амал қилиш муддати.	Мазкур шартнома тарафлар имзолаган кундан бошлаб қонуний кучга киради ҳамда тарафларнинг барча мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунига қадар, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар тўлиқ бажаргунга қадар амал қилади.
8.2.	Шартноманинг амал қилиш муддати.	Шартнома шартларини ёки унинг амал қилиш муддатини ўзгартириш, шартномани бекор қилиш томонларнинг қўшимча келишуви ёки суд қарорига асосан амалга оширилади.

8.3.	Шартноманинг амал қилиш муддати	Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартиш ёки қўшимчалар ёзма равишда тузилиб, томонларнинг ваколатли шахслари томонидан тасдиқланади.
<b>9.</b>	<b>Тарафларнинг қайд этиш маълумотлари ва имзолари</b>	
9.1.	Тарафларнинг қайд этиш маълумотлари ва имзолари	Тарафларнинг қайд этиш маълумотлари ва имзолари
<b>Кредитор/Кафил</b>		<b>Қарз олувчи/Принципал</b>
Манзили _____ _____		Манзили _____ _____
МФО _____ ИНН _____ х\р _____ Банк _____ Телефон _____ Алоқа маркази 0 800 1 200 200 E-mail: contact@hamkorbank.uz		МФО _____ ИНН _____ х\р _____ Банк _____ Телефон _____
<b>Банк вакили</b> _____		<b>Раҳбари</b> _____
<b>М.Ў.</b>		<b>Бош ҳисобчиси</b> _____